

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**УМАРОВА БАРНО АКБУТАЕВНА**

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ  
МАНФААТЛАРИГА ДАХЛДОР ИШЛАРДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал  
ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Умарова Барно Акбутаевна**

Фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари.....3

**Умарова Барно Акбутаевна**

Теоретические и практические вопросы участия прокурора в делах, затрагивающих интересы общества и государства в гражданском процессе.....

**Umarova Barno Akbutaevna**

Theoretical and practical issues of the prosecutor's participation in civil proceedings involving the interests of society and the state.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 31/31.12.2020.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**УМАРОВА БАРНО АКБУТАЕВНА**

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ  
МАНФААТЛАРИГА ДАХЛДОР ИШЛАРДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал  
ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Yu288 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий консультант:**

**Мамасиддиқов Музаффаржон  
Мусаҷоновиҷ**

юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳабибуллаев Давлатжон Юлчибоевиҷ**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Раҳимов Фаҳри Ҳайдаровиҷ**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Раҳимов Дониёр Баҳтиёровиҷ**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов  
академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил 19 декабрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил 05 декабрь куни тарқатилди.  
(2025 йил 05 декабрдаги 40-рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Аминҷонова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.Х.Раҳимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура фаолияти самарадорлигини ошириш ривожланаётган давлатлар олдидан турган энг долзарб вазифалардандир. Қонун устуворлигига риоя этилиши даражасини оддий фуқароларнинг нуқтаи назаридан ва уларнинг жамият ҳамда давлатдаги қонун устуворлигини таъминлаш кўрсаткичлари бўйича халқаро рейтингдаги ўрни муҳим ҳисобланади. World Justice Project кўрсаткичида Ўзбекистон 2020 йилда 92 ўринни эгаллаган бўлса, 2024 йилда 83 ўринга кўтарилган. Фуқаролик адолат тизими орқали низоларни ҳал этиш кўрсаткичи бўйича 2020 йилда 72 ўринда бўлган бўлса<sup>1</sup>, 2024 йилда 70 ўринга кўтарилган.<sup>2</sup> Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида прокуратуранинг ўрни ва роли, соҳани халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб ислоҳ этиш ва рақамлаштириш, халқаро тажрибани ўрганиб, прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларини таҳлил қилишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг процессуал қонунчилигининг ривожланиш тенденцияси прокурорнинг суд ишларини юритишдаги иштирокини таъминлаш борасида турли йўналишларда ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу йўналишни методик ва амалий таъминлаш, таҳлил қилишда ташкилий-бошқарувни фаолиятини кучайтириш, суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми, функцияси ва вазифаларига аниқлик киритиш ва уларни тўлиқ ҳамда сифатли амалга оширилишида процессуал-функциявий жиҳатларини ўрганиш, фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўришда прокурор иштирокини доирасини аниқ белгилаш, шу асосда механизмини такомиллаштириш, суд мажлисида иштирок этадиган ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган субъектив-психологик ривожлантириш, прокурор томонидан судда жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокини таъминлаш борасида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо - муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш, прокуратура органлари фаолияти ошкоралигини ва унинг жамият олдидан ҳисобдорлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

<sup>1</sup> [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

<sup>2</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/downloads/WJPIndex2024.pdf>

Жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларнинг фуқаролик судларида кўрилишида прокурор қонун устуворлигини таъминловчи давлат вакили сифатида иштирок этар экан, ушбу йўналиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ташкилий-бошқарув, процессуал-функциявий ва субъектив-психологик муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, натижаси юзасидан назарий, амалий, процессуал, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш зарурати борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2024), “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (2025) Фармонлари ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва унинг фаолият йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи хорижий илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, МДХ, ШХТ доирасида прокуратура органларининг мақоми, давлат органлари тизимида тутган ўрни ва роли, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратуранинг асосий вазифалари ва функциялари, прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка жорий этиш истиқболлари тадқиқ этилган. Чунончи, БМТнинг Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан прокуратуранинг вазифалари ва функциялари таҳлили, прокуратуранинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқари фаолияти тажрибаси таҳлили (Европа Иттифоқи), ЕРРО – Европа прокуратураси томонидан прокуратура органларидаги ваколатлар доираси ва экологик жиноятларни қамраб олиш

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.unodc.org>, <https://eucrim.eu>, <https://www.eui.eu>, <https://www.stanfordlawreview.org>, <https://search.library.wisc.edu>, <http://webcat.warwick.ac.uk>, <https://ndaa.org> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

бўйича келажакдаги эҳтимолий ислохотлар ёки ҳуқуқий ўзгаришлар каби масалалар илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этишнинг афзалликлари ва прокуратуранинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда унинг ташкилий тузилмасини ислоҳ этишга оид масалалар кўпроқ тадқиқ этилмоқда.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар The University of Chicago Law School (АҚШ), Turiba University (Латвия), Osgoode Hall Law School of York University (Канада), University of Massachusetts (АҚШ), Саратов давлат юридик академияси (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия) каби олийгоҳларда тадқиқот ишлари олиб борилган. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал муаммолари бўйича жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, хусусан: фуқаролик ишларни тез ва кам харажат асосида ҳал қилиш асослантирилган (The University of Chicago Law School), фуқаролик процессида фуқароларнинг одил суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ асослантирилган (Turiba University), фуқаролик суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлашда ташқи ва ички омиллар асослаб берилган (University of Massachusetts), фуқаролик суд ишларни юритишда очиқлик, ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ҳамда фуқаролик суд ишларини унификациялаш ва дифференциаллаш зарурати исботланган (Саратов давлат юридик академияси, Санкт-Петербург давлат университети). Шунингдек, прокуратуранинг институционал ташкил этилиши ва унинг назорат механизмлари (Стэнфорд университети, АҚШ), прокуратура органлари ролининг эволюцияси: муаммо ва ечимлар (Висконсин-Мэдисон университети, АҚШ), прокуратура органларининг судлов фаолияти тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги асослари (Бреннан номидаги Ҳуқуқ Маркази, АҚШ), прокурорларнинг мустақиллиги ва қарор қабул қилиш жараёнининг таҳлили (АҚШ Миллий Округ Прокурорлари Ассоциацияси, АҚШ), прокуратура органлари фаолиятининг ҳалқаро ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлили (Оксфорд университети, Буюк Британия), прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги масалалари (Варвик университети, Англия), давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилишда прокуратура фаолиятининг аҳамияти (Европа Университети Институтининг Ҳуқуқ кафедраси, Италия) оид таклифлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлади: миллий қонунчиликни жамият ва давлат манфаатларига дахлдор яъни, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерга оид ҳуқуқий муносабатларда давлат ва суд назоратини кучайтириш орқали ердан оқилона фойдаланишнинг илғор механизмларини ишлаб чиқиш, етказилган зарар билан боғлиқ низоли ишларни ҳал қилишнинг соддалаштирилган тизимини ишлаб чиқиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистонда мустақил тадқиқот сифатида махсус монографик тадқиқ этилмаган.

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг айрим жиҳатлари Ш.Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, М.М.Мамасиддиқов, Д.Ю.Хабибуллаев, З.Н.Эсонова, М.А.Аминжонова, М.З.Раджапова, М.М.Тажибоев, М.С.Марипованинг тадқиқот ишларида муайян даражада ёритилган. Масалан, Э.Эгамбердиев фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини илмий мақолалар орқали ўрганган, Ш.Ш.Шорахметов фуқаролик процессида прокурор иштироки билан боғлиқ масалаларни фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид дарсликларида очиб берган, М.М.Мамасиддиқов меҳнат низоларини судда кўришда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганган, Д.Ю.Хабибуллаев фуқаролик суд ишларини юритишда тамойилларни қўллаш масалалари доирасида прокурор иштирокини ўрганган, З.Н.Эсонова эса, судда болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини тадқиқ этиш баробарида ушбу тоифадаги ишларни кўришда прокурор иштирокини тадқиқ қилган.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодий, жиноий, маъмурий ишлар судда кўрилишида прокурор иштироки билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Б.А.Отажонов томонидан “Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари”, Д.С.Довудова томонидан “Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари” тадқиқ қилинган.

Олимларимиздан Ш.И.Шайзаков томонидан “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий ҳуқуқий асослари: қиёсий ҳуқуқий таҳлил”, У.Т.Шамшидинов томонидан “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари”, М.З.Раджапова томонидан “Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий ҳуқуқий таҳлил” мавзусида тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Судларда прокурор иштироки билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларнинг қатор олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, Т.Н.Воробьев “Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирокининг назарий ва амалий муаммолари”, В.Р.Маркаров “Россия Федерацияси ва хорижий давлатларда прокуратуранинг конституциявий ҳуқуқий мақоми: қиёсий ҳуқуқий тадқиқот”, Т.Н.Маслова “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг муаммолари”, С.А.Иванов “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш”, Т.И.Отческа “Давлатнинг иқтисодий манфаатларини арбитраж судида ҳимоя қилинишида

прокурор иштирокини ташкил этишнинг ҳуқуқий ва услубий муаммолари”, Е.В.Миряшева “Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати тизимида Франция Республикаси прокуратураси институти” мавзусида диссертация ишларини бажарган<sup>1</sup>.

Юқоридаги тадқиқотлар албатта, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокини тартибга солувчи прокуратура тўғрисидаги ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бироқ, юқоридаги таҳлиллар шундан далолат берадики, фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга дахлдор ишларда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари мавзусида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокига ойда тадқиқот режасига (2023-2026 йй) мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалаларига қаратилган назарий хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш;

фуқаролик судларида жамият ва давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларни юритилишининг назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролик процессида прокурор фаолиятини ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши самарадорлигини таъминлаш шартларини тадқиқ қилиш;

жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор киритган даъволарининг турлари ва уларнинг таснифини тадқиқ этиш;

прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини таҳлил қилиш;

ерга оид муносабатлар, ноқонуний қурилмаларни бузиш, ерни захирага қайтариш билан боғлиқ ишлар кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

атроф-табiiй муҳитга нисбатан етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини судда кўришда прокурор иштирокининг хусусиятларини ўрганиш;

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

фуқаролик суд ишларини юритишда давлатдан ундирув билан боғлиқ ишларни судда кўрилишида прокурор иштирокининг хусусиятларини таҳлил қилиш;

хорижий давлатлар фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор фаолиятини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалаларига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий давлатларнинг таълим жараёни, соҳага оид қонунчилик ва амалиёт ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот олиб боришда қиёсий ҳуқуқий тадқиқот, мантиқий, таҳлилий, тарихий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари билан сўровлар ўтказиш, нормаларни илмий шарҳлаш, суд амалиётига оид материалларни умумлаштириш ҳамда статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишда фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда (ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ, экология ва атроф-муҳитга етказилган зарарларни ундириш) иштирок этиши зарурлиги асослантилган;

прокурорнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқида иштирокчи сифатида мақоми, унинг процессда иштирок этиш шакллари, турлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда иштирокига оид назарий ҳулосалари фуқаролик процессуал ҳуқуқи дарслигида асослантилган;

апелляция инстанциясида прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати

устидан апелляция протести келтиришга ҳақли эканлиги ҳақида асослантилган;

прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича ёхуд қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бўйича тафтиш тартибида протест келтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли суддан ўз ваколатлари доирасида ишни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги асослантилган;

давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларнинг кўрилишида прокурор қонунчилик талаблари бузилиши бўйича ваколатли органлар томонидан далолатнома тузилганлиги, ваколатли органлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ихтиёрий бартараф этиш юзасидан огоҳлантириш берилганлиги, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги, даввони таъминлаш чораларини кўриш зарурияти мавжудлиги, ҳуқуқбузарлик (қонун бузилиши) содир этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қарор, баённома ва ҳ.к.) мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ёритиб берилган;

давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки, ишда зарарнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги ҳужжатларнинг, даввони таъминлаш чораларини кўриш зарурияти мавжудлиги, етказилган зарар миқдорини аниқлаш уни ундириш ҳақидаги қарор чиқарилаётган вақтдаги қийматини инобатга олиш зарурлиги, хатланган мол-мулкнинг ўзлаштирилганлиги, растрата қилинганлиги, яширилганлиги, нобуд қилинганлиги ёки шикастланганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу мол-мулк ишониб топширилган шахсни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш масаласи кўрилганлиги, ушбу тоифадаги ишлар бўйича манфаатдор давлат идоралари ва ташкилотларнинг вакиллари суд процессига жалб қилиниши, давлатга етказилган зарар қопланмаган ҳолларда судлар фуқаровий давводан воз кечиш ҳақидаги аризани қабул қилишга ҳақли эмаслигига ҳақидаги таклифлари асослантилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фуқаролик судида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокига оид нормаларни такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Бош прокурорнинг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси ташкилий-бошқарув, субъектив-психологик жиҳатларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган;

фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари таҳлиллар

асосида ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати асослантириб берилган;

суд муҳокамасида прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда иштирокида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ, экология ва атроф-муҳитга етказилган зарарларни ундириш каби умумий тушунчаларга эга бўлган фуқаровий низоларни кенгроқ белгилаш лозимлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўртасида ”Қўшма кўрсатма”имзоланиши зарурати асослантириб берилган;

жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли Пленум қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослантирилган;

прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокининг умумий ва махсус принциплари таҳлил қилиниб, принциплар унинг қонун устуворлигини таъминлашдаги фаолиятининг муҳим мезони эканлиги ҳақида хулосага келинган;

фуқаролик процессида прокурорнинг функцияси унинг суд муҳокамасидаги функцияси умумий ва махсус функцияларига ажратилиб, прокурор процессуал – функцияси муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилиб, уни сифатли ва тўлиқ таъминлаш учун штат бирлигини кўпайтириш, ходимларга талаблар белгилаш ва қўнимсизлигини олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

суд муҳокамасида прокурор иштирокини сифатли таъминлаш учун фуқаролик иши билан танишиш методикаси, шунинг прокурор иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

фуқаролик процессуал муносабатларда прокурорнинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида амалдаги қонун нормалари таҳлили асосида прокурорнинг фуқаролик процессидаги функцияси, фуқаролик иши бўйича суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси, фуқаролик процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки, суд муҳокамасидаги прокурор илтимосномаси, суд муҳокамасида прокурорнинг фикри, прокурорнинг фикри, прокурор протести, протестни қайтариб олиш, процессуал тақдимнома тушунчаларига муаллифлик таърифи берилиб, ФПКда акс эттириш зарурлиги таклиф этилган;

суд муҳокамасида фуқаролик ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал ҳужжатлари уни ҳаракатларини ифодалаш ва ўзига хос хусусияти, турлари мавжудлиги асослантирилиб, прокурорларга планшетлар берилиши орқали уларни қўллаш ишни енгиллаштиришга хизмат қилиши ҳақида хулосага келинган;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун

билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланишини инобатга олиб, фуқаролик-процессуал қонунчилигидаги суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми ва иштироки таҳлил этилган;

прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларида судларга киритган аризалари (даъво аризалари) кўрилиши жараёнида прокурорнинг даъвони ўзгартириши, кўшимчалар киритиши ёки даъводан воз кечиши фаолияти юзасидан процессуал механизм ишлаб чиқилган;

биринчи инстанция судларида иштирок этадиган прокурордан юқори инстанция судларида иштирок этадиган прокурорларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, унинг вазифаси ҳамда мақсади тавсифланган, шу билан бирга, юқори инстанция суд муҳокамаларида фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ягона амалиётини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри қўллашни шакллантириш мақсадида “Прокурор” автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда уни республикадаги барча қуйи турувчи прокуратуралар билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса асосланган;

шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича суд муҳокамасида иштирок этишнинг амалий тажрибаси, билими ва кўникмаларига эга бўлган прокурорлар реестрини юритиш, амалий мактаб яратишга ҳамда ходимларга талаблар белгилаш, билим, малакасини оширишга қаратилган ўқув-методик ишланмалар зарурлиги асослантилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик тадқиқотнинг анкета шакллари асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари - фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 6518 нафар прокуратура ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва 160 нафар судья, адвокатлар ўртасида сўровномалар ўтказилган ҳамда фуқаролик ишларини ўрганиш, Олий суди ва Бош прокуратуранинг томонидан 2020-2025 йилларда кўрилган ишларнинг статистик таҳлили натижалари умумлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги,

қонунни қўллаш амалиёти, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, назарий жиҳатларига таяниш келгусида фуқаролик процессининг суд муҳокамасида қонун устуворлигини таъминлаш ва прокурор иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, суд мажлиси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва тавсиялардан Фуқаролик-процессуал кодексини, прокуратура ва судлар тўғрисидаги қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг Фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштироки бўйича идоравий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиши, натижалар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларини, “Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ”, “Прокурорлик назорати”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар”, “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш” фанларини назарий жиҳатдан бойитишда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишда фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда (ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ, экология ва атроф-муҳитга етказилган зарарларни ундириш) иштирок этиши зарурлиги ҳақидаги таклифлари 2024 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-968-сонли Қонунини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 10 февралдаги 27/2-20-25 далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши прокуратура органларининг одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, шунингдек судларда ишларни муҳокама қилишда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

прокурорнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқида иштирокчи сифатида мақоми, унинг процессда иштирок этиш шакллари, турлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда иштирокига оид назарий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси томонидан тайёрланган “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” номли дарсликни 5-бобини (Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Кенгашининг 2025 йил 4 апрелдаги 14-сонли мажлис баённомаси қарори) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 27 июндаги далолатномаси). Мазкур таклиф ва тавсияларнинг инobatга олиниши прокурорнинг процессуал мақоми, процесс иштирокчилари билан ўзаро муносабати, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда тутган ўрни ҳақида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг малакаси ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда;

апелляция инстанциясида прокурор, юқори турувчи прокурор прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан апелляция протести келтиришга ҳақли эканлиги ҳақидаги таклифи 2024 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-968-сонли Қонунини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 10 февралдаги 27/2-20-25 далолатномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олиниши қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция судларининг қарорларини апелляция муддатида ўрганиб чиқиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилган;

прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича ёхуд қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бўйича тафтиш тартибида протест келтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли суддан ўз ваколатлари доирасида ишни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 419<sup>4</sup>, 419<sup>8</sup>, 419<sup>14</sup> – моддаларини такомиллаштиришда инobatга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 26 декабрдаги 27/2-374-24-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд муҳокамасида прокурор иштирокининг самарадорлигини оширишга, ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга, фуқаролик ишларининг қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилишига хизмат қилган;

давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларнинг

кўрилишида прокурор қонунчилик талаблари бузилиши бўйича ваколатли органлар томонидан далолатнома тузилганлиги, ваколатли органлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ихтиёрий бартараф этиш юзасидан огоҳлантириш берилганлиги, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги, даввони таъминлаш чораларини кўриш зарурияти мавжудлиги, ҳуқуқбузарлик (қонун бузилиши) содир этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (қарор, баённома ва ҳ.к.) мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғига 2024 йил 14 ноябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда тўғрисидаги буйруғини такомиллаштиришда инobatга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 02 декабрдаги 7/17-28-25-далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши фуқаролик суд ишларини юритишда прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш орқали одил судлов фаолиятини таъминлашга хизмат қилган;

давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки, ишда зарарнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги ҳужжатларнинг, даввони таъминлаш чораларини кўриш зарурияти мавжудлиги, етказилган зарар миқдорини аниқлаш уни ундириш ҳақидаги қарор чиқарилаётган вақтдаги қийматини инobatга олиш зарурлиги, хатланган мол-мулкнинг ўзлаштирилганлиги, растрата қилинганлиги, яширилганлиги, нобуд қилинганлиги ёки шикастланганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ушбу мол-мулк ишониб топширилган шахсни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш масаласи кўрилганлиги, ушбу тоифадаги ишлар бўйича манфаатдор давлат идоралари ва ташкилотларнинг вакиллари суд процессига жалб қилиниши, давлатга етказилган зарар қопланмаган ҳолларда судлар фуқаровий давводан воз кечиш ҳақидаги аризани қабул қилишга ҳақли эмаслигига ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғига 2024 йил 14 ноябрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда тўғрисидаги буйруғини такомиллаштиришда инobatга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 02 декабрдаги 7/17-28-25-далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши давлат мулки, давлатга етказилган зарарни қоплаш прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда устувор йўналишларидан бири эканлиги ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК

томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 10 та илмий мақола, шундан 9 та миллий ва 1 та халқаро журналларда, конференцияларда 5 та, шундан 2 та миллий, 3 та хорижий мақола ва тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 229 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор фаолиятининг умумий тавсифи”** деб номланган **биринчи бобида** Ўзбекистон фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, фуқаролик судларида жамият ва давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларни юритилишининг айрим жиҳатлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролик процессида прокурор фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг биринчи параграфи доирасида диссертант прокуратура институти пайдо бўлган даврини таҳлил қилиб, 1867 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқаришга оид вақтинчалик Низом лойиҳасини тарихий ҳужжатлар асосида ўрганади. Прокурорлар суд палатаси ва округ суди мажлисларида иштирок этиш ва қонунни қўллаш юзасидан хулоса бериш, аниқланган камчиликлар юзасидан фармойиш бериш, интизомий иш юритув қўзғатиш, жазони ижро этувчи муассаларда, қамоқхоналарда маҳбуслар сақланишининг қонунийлиги устидан кузатувни олиб бориш каби вазифаларни амалга оширганлигини таҳлил қилади.

Тадқиқотчининг фикрича, прокурорнинг ушбу даврдаги фуқаролик жараёнида иштироки мутлақо самарасиз бўлган. 20.11.1864 йилда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи Суд регламенти (“Суд низоми”)да прокурорнинг бир қанча фуқаролик ишларида қатнашиш ҳуқуқи вужудга келганлигини кўрсатиб ўтади. М.И.Эриашвили, Г.Вебловский,

У.Т.Шамсиддиновнинг тадқиқот ишларини ўрганиб, жамият ва давлат манфаатларида прокурор иштирокининг элементлари мавжудлиги ҳақида хулосага келади.

Диссертант прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш институти 09.05.1911 йилдаги “Прокуратура назорати мансабдор шахсларини фуқаролик ишлари бўйича судларда фикр беришдан озод қилиш тўғрисида”ги қонун билан сезиларли даражада чекланган бўлсада, прокурор томонидан хулосани тақдим этишни назарда тутадиган тўртта ҳолат мавжудлиғи, яъни суд ва ҳукумат тузилмалари ўртасидаги низолар; ҳужжатларнинг сохталлиги тўғрисидаги низолар ва умуман, никоҳ ва туғилишнинг қонунийлиги тўғрисидаги суд томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган ҳолатлар; маъмурий идора ва сайловчилар мансабдор шахсларининг ва ходимларининг буйруқлари билан етказилган зарар; етказилган зарарни ундириш масаласи алоҳида кўрсатиб ўтади.

Прокурорнинг фуқаролик процессида иштироки, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Гражданлик процессуал кодексида (кейинги ўринларда ГПК деб аталади) бевосита мустақамланганлигини билдириб, прокурор нафақат ишда иштирок этиши шу билан бирга, суд қарорлари устидан протест келтириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

1954 йилда ГПКга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, болаларни бошқариш учун ота-онадан маблағ ундириш (алиментлар) ва оталиқни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ота-оналарнинг ёки васийларнинг аризасига биноан, ФХДЁ бўлимининг хабарига биноан, шунингдек суднинг ташаббуси билан, прокурорнинг аризаси билан, оналик ва чақалокни ҳимоя қилиш органи, васийлик ёки касаба уюшмасининг даъвосига биноан судда иш юритиш учун қабул қилиниши белгиланиб, прокурорга болалар манфаатини ҳам ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилганлиги, суд процессида прокурор ваколатлари кенгайиб борганлигини таҳлил қилади.

Тадқиқотчи прокурорнинг ўзи киритган даъводан воз кечиши ёки у томонидан қўзғатилган даъволарни ўзгартириши прокурор томонидан даъво қўзғатган шахсни суддан ишни моҳиятан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслик институти 1963 йилги ГПКда шаклланганлигини қайд этиб, ушбу ГПКда прокурор иштирок этиши лозим бўлган тоифадаги ишлар 1927 йилги ГПК билан қиёсий таҳлил этади.

Диссертацияда прокурор иштироки билан боғлиқ тарихий қонунчилик ва замонавий қонунчилик ўзаро солиштирилиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари кўрсатиб ўтилади. Фуқаролик процессида прокурор иштироки билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларида белгиланган талаблар таҳлил этилади.

Диссертант юридик адабиётларда прокурорнинг суд ишларини юритишдаги иштирокини икки йўналишга ажратилганлигини кўрсатиб, биринчи йўналиш - прокурорнинг ҳуқуқларини чеклаш лозимлигини, иккинчи йўналиш – унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари ва

функцияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш лозимлиги таъкидлаб, олимлар Ш.Ш.Шорахметов, В.Тараненко, Ш.Шайзаков, Б.Отажоновнинг илмий асарларини таҳлил этиш орқали, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг мақсади, вазифалари, шаклланиши ва ривожланиш нуқтаи назаридан прокурорнинг судда иштирокини тўртта даврга ажратиш орқали ўрганишни асослайди. Жумладан, биринчи босқич – 1867 - 1963 йиллар, иккинчи босқич – 1963 - 1997 йиллар, учинчи босқич – 1997 – 2018 йиллар, тўртинчи босқич – 2019 йилдан ҳозирга қадар бўлган давр.

Фуқаролик процессида прокурор иштироки шакллари ўрган олимлар (М.М.Мамасиддиқов, Б.Х.Пулатов, Ш.И.Шайзаков, У.Шамсиддинов, С.А.Иванов, И.Н.Лукьянова, Л.Н.Изотова, О.С.Рогачева, Н.А.Чечина) ишларини таҳлил этиш орқали прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг (даъво аризаси) аризаси асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкинлиги, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши билан бирга жамият ва давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларнинг юритилишида иштирок этишини алоҳида шакллари билан бири сифатида кўрсатади.

Диссертация доирасида жамият ва давлат манфаатларида тарафлар ўртасидаги кредит маблағларини ундириш, ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш ёки нақд пулда қарздорликларни ундириш билан боғлиқ ишларда давлат бојини нотўғри ундирилганлиги аниқланганда тарафлар ҳақли равишда шикоят келтирмаслигини, прокурор эса суднинг ҳал қилув қарори асосида қонунбузилишини аниқлаган тақдирда ёки бюджетга ундирилиши лозим бўлган давлат боји кам ҳисобланган ҳолатларда суднинг қарори қонунийлиги тўғрисида хулоса қилишдаги муаммоларни суд амалиётидаги фуқаролик ишларини ўрганиб, республика миқёсида 2023 йил мобайнида давлат бојларини ундирилиши билан 703 та ишлар бўйича жами 22 млрд. сўмлик давлат бојлари бюджетга ундирилмасдан қолганлигини таъкидлайди.

Прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларига дахлдор ишларда иштироки масаласи бўйича хорижий давлатлар тажрибасини (Болгария, Польша, Чехия, Франция) қиёсий таҳлил қилиш орқали судда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари асосий ўринни эгаллашини кўрсатади.

Тадқиқотчи хорижий давлат қонунчилиги ҳамда суд амалиётидаги муаммоларни таҳлил қилиш орқали ФПКнинг 50-моддасига “Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, *шунингдек давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидан ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши*

мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

*Прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин*”. ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифини илгари суради.

Диссертант сўнгги йилларда биринчи инстанция судларида кўрилган фуқаролик ишлари бир неча баробар кўпайиб, судьялар иш юкламаларининг ортиб бориши фуқаролик ишларини судда кўриш сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги сифатида 2019 йилда 276 минг, 2020 йилда 291 минг, 2021 йилда 518 минг, 2022 йилда 863 минг ҳамда 2023 йилда эса 943 минг фуқаролик ишлари кўрилганлигини билдиради.

Тадқиқот иши доирасида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик, ижтимоий адолат, тинчлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг ҳамда хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг (даъво) аризаси асосида қўзғатилган ишлар бўйича барча суд инстанцияларида прокурор иштирокини таъминлаш, қонунда прокурор иштироки шартлиги белгиланган, прокурор (даъво) аризаси асосида қўзғатилган, шунингдек мурожаатлар асосида ўрганилган ишлар бўйича судларнинг ноқонуний қарорларини қонунга мувофиқлаштириш, суд қарорларини мурожаатларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш фуқаролик судларида иштирок этаётган прокурорларнинг асосий вазифалар эканлигини таъкидлайди.

Диссертант “прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифалари”, “фуқаролик иши бўйича суд муҳокамаларидаги прокурорнинг вазифалари”, “фуқаролик процессининг муҳокамасида прокурор иштироки”, “фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг мажбурийлиги ва мақсадлари” тушунчаларига муаллифлик таърифларини ишлаб чиқади.

Диссертациянинг **“Жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида прокурор иштирокининг хусусиятлари”** номли иккинчи бобида прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши самарадорлигини таъминлаш шартлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор киритган даъволарининг турлари ва уларнинг таснифи, прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг таҳлил этилган.

Тадқиқотчи прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда “прокурор назоратини” амалга оширадими ёки ишда иштирок этувчи шахс сифатида суднинг қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишига кўмаклашадими, деган саволни кўтариб, Т.Н.Маслова, Ю.Лутченко каби олимларнинг фикр мулоҳазаларини таҳлил қилиб, диссертант фикрича, прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда судда иштирок этиб, аввало суднинг қонуний, асосли ва

адолатли қарор қабул қилишида иштирок этувчи шахс сифатида жамият, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи шахсдир.

Диссертацияда прокурорнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларда иштирок этишининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ўрганилиб, прокурор иштирок этувчи шахс сифатида фуқаролик процессининг барча иштирокчилари ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлайди, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этади, одил судловни рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда унинг иштироки амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши, қайси тоифадаги ишлар давлат ва жамият манфаатларига тааллуқлилиги, келтирилган зарарларни ундиришда адолатлилиқ мезонларига риоя этилишини таъминлаши юзасидан миллий олимларнинг илмий асарларини ўрганиш орқали прокурорнинг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши самарадорлигини таъминлаш шартлари таҳлили мавжуд эмаслиги ҳақида хулосага келади.

Унинг фикрича, прокурор жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларни мунтазам равишда тизимли таҳлил этиши лозим бўлади.

Диссертант прокурорнинг бу соҳадаги фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини шартли равишда бир неча гуруҳларга таснифлайди:

а) умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси);

б) бевосита соҳани, процессуал, ташкилий ва амалий жиҳатларини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, ФПК, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи, Олий суд Пленум қарорлари ва бошқ.);

в) фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Президент қарор ва фармонлари, давлат органларининг қўшма қарорлари ва бошқ.).

Тадқиқот ишида “идоравий назорат” тушунчаси ҳақида олимларнинг (А.Шукурбеков, Д.Миразов, М.Мамасиддиқов, Ш.Шайзаков) фикрларини ўрганиб, фуқаролик процессида прокурор идоравий назорати ҳақидаги фикрларни кўтаради. Тадқиқотчининг фикрича, фуқаролик процессида идоравий назоратнинг самарадорлиги жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда юқоридан қуйига тизимга қараб, яъни Бош прокуратуранинг фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ва унинг қуйи бўлимлари томонидан судларга киритилган даъво аризаларининг сифати, унинг судда кўрилиши ҳамда натижалари кўрилган чораларни ўз ичига қамраб олади.

Диссертант фуқаролик судларида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор иштироки самарадорлиги шартлари сифатида қуйидаги омиллар ажратиб кўрсатади: яъни қонунчилик

ҳужжатларида прокурорнинг судлардаги ваколатлари аниқ белгилаб кўйилиши, прокурор фуқаролик ишларида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда мустақил ва холис, ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳоли бўлиши, прокурор фуқаролик ишларини кўриб чиқишда процессуал жиҳатдан фаол иштирок этиши, киритилган даъволарнинг асосланганлиги, ишлар сифатли ва унинг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниши, суд қарорларининг ижросини назорат қилиши, адолатли қарорлар чиқарилишига таъсир ўтказиши, фуқаролик ишлари бўйича етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, жамият ва давлат манфаатларига алоқадор ишларнинг прокурорлар томонидан камида ҳар олти ойда умумлаштирилиши ва унинг натижалари асосида қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда бир хил тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётига эришилганлигидир.

Тадқиқотчи суд амалиётидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиб, (2024 йил 1.497.184 та, 2023 йилда 943.892 та, 2022 йилда 863.883 та, 2021 йилда 518.087 та, 2020 йилда 291.132 та) амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш орқали 2024 йил ва 2025 йил 6 оyi мобайнида 1409 та ишлар тегишли тартибда прокурор хабардор қилинмасдан, унинг иштирокисиз кўрилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Диссертацияда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки унинг судларга белгиланган тартибда даъво ариза (ариза) тақдим этиш ҳамда уни кўллаб-қувватлаш орқали жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришишдан иборат бўлган фаолияти янги таҳрирда ишлаб чиқиляётган Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ФПКга алоҳида норма сифатида киритилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради.

Мазкур тадқиқот ишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг Вазирлар Қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 19 сентябрида қабул қилинган 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсиялари ҳам ўрганилиб, унга кўра, “прокуратуранинг ушбу йўналишдаги фаолияти инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилган ҳолда амалга оширилиши ва бунда белгиланган бир қатор халқаро стандартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилишини қайд этилади”.

Тадқиқотчи ўз илмий асарида даъво ариза ва ариза тушунчаларнинг фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиб, миллий олимлар Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, М.Мамасиддиқов, Д.Ҳабибуллаев, Ш.Шайзаковларнинг бу борадаги мулоҳазаларини ўрганиб, даъво ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқини фуқаролик процессуал қонунчилигида кўрсатилган тартибда ҳал қилиш учун фуқаролик судига даъвогар томонидан жавобгарга нисбатан тақдим этилган моддий-ҳуқуқий талаби эканлиги, ариза эса, ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмасдан, шахннинг ўз манфаатларига дахлдор ҳолатни тасдиқлаш ҳақидаги мурожаати ҳисобланиши ҳақида муаллифлик қарашларини кўрсатиб ўтади.

Диссертант аксарият Европа давлатларининг қонун ҳужжатларида прокурор фуқаролик процессида асосан оммавий ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш тенденцияси юқорилигини таъкидлаб, Франция, Италия ва АҚШда прокурорлар оммавий ва давлат манфаатларида судга даъво тақдим эта олишини, Германияда айрим тоифадаги фуқаролик ишларидагина прокурор иштирокига йўл қўйилганлигини ҳамда Россия Федерацияси процессуал қонунчилигида ҳам прокурор жамият ва давлат манфаатларида судга мурожаат қилишларини мумкинлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳар қандай фуқаролик ишларида, жумладан, давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларда, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувларга оид ишларда прокурор иштирокини таъминлаш борасида амалда бўлган ФПК 50-моддаси биринчи қисмини “Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин” ” мазмунида қайта таҳрирлашни таклиф этган.

Диссертация ишида тадқиқотчи судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш ҳамда мазкур жараёндаги вазифаларини аниқ белгилаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурор қўзғатиши мумкин бўлган фуқаролик ишларининг рўйхати аниқ белгиланиши таклиф этади.

Ишда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик суд ишларини юритишда кўрилаётган ишларда прокурор иштирокини такомиллаштириш, бунда судларда давлат манфаатлари билан боғлиқ ишлар кўрилишида прокурор процесснинг исталган босқичида киришиши мумкинлиги ҳақидаги қонунчиликка киритишни илгари суриб, ФПКнинг 50-моддасида белгиланган нормаларни такомиллаштириш ҳақидаги таклифлари инобатга олинганлигини кўрсатиб ўтади.

Диссертациянинг **“Жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим тоифадаги ишларнинг судда кўрилишида прокурор иштирокининг хусусиятлари”** номли учинчи бобида ерга оид муносабатлар, ноқонуний қурилмаларни бузиш, ерни захирага қайтариш билан боғлиқ ишлар кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари, атроф-табiiй муҳитга нисбатан етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини судда кўришда прокурор иштирокининг хусусиятлари, фуқаролик суд ишларини юритишда давлатдан ундирув билан боғлиқ ишларни судда кўрилишида прокурор иштирокининг хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқот ишида ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари учраётганлиги бу борада рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ягона назорат тизимини жорий этиш ҳамда ваколатли идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари юзасидан изланишлар олиб борган.

Диссертант ерларнинг ноқонуний эгалланиши, ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни буздириш билан боғлиқ фуқаролик ишларида шунингдек, бу тоифадаги ишлар давлат ерларининг муҳофаза қилиниши ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олиш мақсадида бўлганлиги сабабли прокурор иштироки шартлигини белгилаш ҳақидаги таклифлари ФПКнинг 419<sup>4</sup>- моддасида ўз аксини топганлигини қайд этади.

Фуқаролик суд ишларини юритишда экологияга етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ ариза (даъво ариза)ларнинг кўриб чиқилиши, зарарларнинг қопланиши, ундирилиши борасидаги суд амалиёти таҳлил қилинганда бу борадаги суд амалиёти турли хил эканлиги, даъвогарларнинг суд процессида асоссиз хулосалар билан иштирок этаётганлиги, асоссиз равишда даъводан воз кечганлиги ҳолатлари тадқиқотчи томонидан таҳлил этилиб, 2022 йил 2023 йил якунлари бўйича табиатга етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ жами 15,7 млрд сўмлик 918 мингта фуқаролик судларида кўрилган даъво аризаларнинг қиймати 11,6 млрд. сўмлик 695 таси қаноатлантирилган. 394 млн. сўмлик 10 та даъво аризалар рад қилинган, 3 млрд 481 млн. сўмлик 200 та даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган бўлса, 274 млн. сўмлик 13 та даъво аризалар иш юритишдан тугатилганлиги, 3 млрд. 481 млн. сўмлик кўрмасдан қолдирилган даъво аризаларнинг 2,8 млрд. сўм қийматидаги 201 таси бўйича судга қайта мурожаат қилинмаганлиги, 2,6 млрд. сўмлик 137 та даъво ариза ваколатли давлат органлари вакиллари суд мажлисига келмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилганлиги каби салбий амалиёт шаклланиб қолганлиги натижасида жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилганлигини кўрсатиб ўтади.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 20.12.1996 йилдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 36-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.08.2022 йил 464-сонли қарори ўртасидаги зиддиятлар таҳлил этилиб, Олий суд Пленум қарорини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида таклифларни илгари суради.

Тадқиқотчи жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларга мўлжалланган ерлар – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария - соғломлаштириш аҳамиятига молик ерларга оид низолар, сув фонди ерлари – давлат муҳофазасидаги сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб

ажратиладиган минтақадаги ерлар бўйича низолар, ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерларга оид низолар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – моддий маданий мерос объектлари билан боғлиқ ишларда мажбурий иштирокини қонунчиликда аниқ белгилаш ҳамда табиатга етказилган зарарларни аниқлашда идоралараро маълумотлар алмашинувини интеграция қилиш, суд жараёнларини соддалаштириб, суд мажлисларида масофавий қатнашиш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги ҳақидаги қарашларни илгари суради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўрилишига оид суд амалиёти тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳақида тавсияларни беради.

Диссертант фуқаролик суд ишларини юритишда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса давлатга моддий зарар етказилган ҳолатларда, муҳим вазифалардан бири бўлиб, етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ ишларда прокурорнинг иштироки юзасидан амалдаги миллий қонунчилик нормаларини ва миллий олимлар И.Насриев, А.А.Адхамов, А.М.Эрделевскийнинг илмий қарашларини ўрганади.

Тадқиқотчи маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишларини ўрганиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 17 млрд. 995 млн. сўм зарарларни ундирилмай қолганлигини кўрсатади. Бунга асосий омиллардан бири сифатида бу тоифадаги ишларда прокурор иштироки таъминланмаслиги процессуал қонунчиликда акс этмаганлигини билдиради.

Диссертант фикрича, давлатга етказилган зарар билан боғлиқ ишларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг хоҳиш иродасини мустақил равишда ҳимоя қила оладиган прокурор процессда иштирок этувчи шахс сифатида намоён бўлиши керак. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2000 йилдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорини янги таҳрирда қабул қилишни таклиф этади.

Диссертация ишида ФПКга давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорнинг ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда прокурорнинг иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлари инобатга олинганлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Талабгор суд амалиётидаги “ерга оид ҳуқуқий муносабатлар”, “давлат мулки”, “давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш”, “давлат бюджетидан ундирувлар” каби муаммоли ишларни таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон Республика Бош

прокуратураси билан биргаликда “Қўшма кўрсатма” ишлаб чиқилишини тавсия этади.

Диссертациянинг **“Юқори инстанция судларида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга оид ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари”** номли тўртинчи бобида юқори инстанция судларида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда прокурорнинг иштироки, хорижий давлатлар фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий тавсифи, жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Тадқиқотчи прокурорларнинг жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилишда ваколатлари чекланганлигини кўрсатиб, прокурор фақат амалдаги қонун талаби бўйича тарафларнинг муурожаатлари мавжуд бўлсагина ишни суддан чақириб олади ва кассация ёки тафтиш тартибида протест келтира олишини бироқ, давлатдан ундирувлар ёки давлатга ундирув масаласи юзасидан, тарафлар шикоят билан муурожаат қилмаганида суд қарорларини юқори инстанцияларида қайта кўришнинг имконияти мавжуд эмаслигини билдиради.

Илмий изланишлар мобайнида давлат манфаатлари билан боғлиқ 2020 йилда республика бўйича жами 24 494 та, 2021 йилда 21 226 та, 2022 йилда 31 885 та, 2023 йилда 31 060 та иш кўрилган бўлса, ушбу йиллар давомида табиатга етказилган 4 млрд. сўмлик даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган ёки 2,6 млрд. сўмлик даъво аризалар ваколатли давлат органлари вакиллари суд мажлисига келмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилганлигини асослаб, бу тоифадаги суд қарорларига прокурорлар томонидан муносабат билдиришга қонунчилик томонидан имконият берилмаганлигини кўрсатади.

Унинг фикрича, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 17.11.2015 йилдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида, жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийлиги ҳақида кўрсатмалар белгиланишини тавсия этган.

Жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилинишида прокуратура органларининг тутган ўрни ҳақида хорижий давлатларнинг (Португалия, Франция, Италия, Англия, Германия, АҚШ, Хитой, Белорус, Қозоғистон Республикаси) қонунчилигини ўрганиш орқали жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳимоя қилиши ҳақида хулосаларни асослаб беради.

Диссертант фикрича, ФПКнинг 407<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган прокурор протест келтириш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг муурожаати бўлиши каби талабнинг белгиланиши

Конституциянинг 143-моддаси нормаларига номувофик бўлиб, прокурор жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларнинг қарорлари, ҳал қилув қарорлари ва ажримларининг қонунийлигини ўргана олиш ҳуқуқини чеклаб бўлмаслигини асослантиради.

Тадқиқотчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг суд орқали ҳимояланиш борасидаги имкониятларини ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда бегараз ва малакали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор иштироки шартлиги ҳақидаги нормаларни кенгайтириш ҳақида хулосага келиб, ФПКнинг 407<sup>1</sup>-моддасидан прокурор протестини келтириш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг мурожаати бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида ихтисослашган прокурорлар корпусини ва унинг ҳуқуқий мақомини назарда тутувчи нормалар билан тўлдиришни таклиф этади.

## ХУЛОСА

Фуқаролик процессида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларда прокурор иштирокини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

### І. Илмий-назарий хулосалар:

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга нисбатан замонавий ёндашувдаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Жумладан:

- прокурорнинг фуқаролик процессидаги функцияси – фуқаролик процессида вазифа ва мақсадларини амалга ошириш учун прокурорнинг ваколатлари доирасини, иш юритиш механизмидаги ролини, процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли жиҳатлари ва ўрнини аниқлашга имкон бериш мезонидир;

- фуқаролик процессининг суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси – суд жараёнларида фуқаролик процессуал қонунчилигининг вазифа, мақсад ва принципларини амалга оширишга қаратилган ваколатлар йиғиндисидир;

- фуқаролик процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки – унга юклатилган функция орқали фуқаролик процессуал қонунчилигидаги белгиланган ваколати доирасида суднинг барча босқичларида жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда давлат вакили сифатидаги фаолиятидир;

- суд муҳокамасидаги прокурор илтимосномаси – фуқаролик процессида суд ҳаракатларини амалга ошириш учун фикрини баён этишга, муайян жараён, ҳолат юзасидан процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган ёзма ёки оғзаки мурожаатидир;

- суд муҳокамасида прокурорнинг фикри – иш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган, муайян ҳаракат амалга оширилишини ёки рад этилишини ифодаловчи, суд мажлисида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган, суд мажлисида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган ички ишончга таянадиган баёнидир;

- прокурорнинг музокара нутқи – прокурорнинг суд музокара босқичидаги далилларга асосланган, ички ишончга таянган нутқидир;

- прокурор протести – прокурор томонидан суднинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарор ёки ажримига нисбатан қонунда белгиланган ваколати ва асослари доирасида суд инстанцияларига келтириладиган, мазмунан суд қарорини ўзгартириш ва бекор қилиш асосларига, таклифларига эга бўлган ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳужжатдир;

- протестни қайтариб олиш – прокурорнинг фуқаролик ишини суд инстанцияларида кўриб чиқмаслик ва протестни уни киритган прокуратура мансабдор шахсига қайтариш ҳақидаги расмий илтимоснома тарздаги мурожаати;

- фуқаролик суд ишларини юритишдаги процессуал тақдимнома – прокурор ваколатлари доирасига суд қарорига нисбатан протест келтириш кирмаган ҳолларда унинг юқори турувчи прокурорга протест келтириш тўғрисидаги мурожаатидир;

2. Прокурорнинг соҳа фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари шартли равишда тўрт гуруҳга таснифланди: а) халқаро умумэътироф этилган асослар; б) умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий асослар; в) бевосита соҳани процессуал, ташкилий ва амалий жиҳатларни тартибга солишга қаратилган асослар; г) фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

3. Прокурорнинг фуқаролик процессининг суд муҳокамасидаги фаолиятига доир принциплар умумий ва махсус принципларга ажратилди.

4. Прокурор ўз ваколатлари доирасида суд муҳокамасида иштирок этиш орқали умумий функцияни амалга оширса, биринчидан, даъволарнинг асослилиги ва қонунийлигини ўрганиш орқали даъвони қўллаб – қувватлаш ёки рад этиш, иккинчидан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, учинчидан, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши курашиш орқали махсус функцияларни амалга оширади.

5. Фуқаролик процессуал қонунчилигида суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки мажбурий деб белгиланган ишлар кўрилишида процессуал - функцияси зарурий аҳамият касб этиши билан характерланади. Прокурорнинг асосий функцияси бўлган суд ишларини юритишда тортишув принципида назарда тутилган даъволарнинг асослилиги ва қонунийлигини

ўрганиш орқали даъвони қўллаш орқали ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларга ва жиноятчиликка қарши кураш каби қўшимча функциялар таъминланади. Шунга кўра, юклатилган функцияни тўлиқ ва сифатли таъминлаш эса суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорлар сонини ҳудудларда мавжуд судьялар штат бирлиги ва фуқаролик ишлари салмоғига мутаносиблигини таъминлаш орқали амалга оширилиши ҳақидаги хулосага келинди.

6. Жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишларнинг фуқаролик судларида кўрилишида ўзига хос процессуал хусусиятлари тавсифланган ҳамда ушбу босқичда прокурор иштироки мажбурий аҳамият касб этиши ҳақидаги хулосага келинган: биринчидан – ишда иштирок этиш, иккинчидан – кўрилаётган низо юзасидан фикр билдириш; учинчидан – суд қарори қонунийлигини ўрганиб, хулоса ёки протест келтириш.

7. Биринчи инстанция судида прокурор ваколатларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлиши асослантилган: биринчидан – даъвонинг қонуний ва асослилигини фуқаролик иши ҳужжатларидан келиб чиқиб қувватлайди ёки рад қилади; иккинчидан – давлат органи вакили сифатида иштирок этади; учинчидан – қонуннинг тўғри қўлланилиши, суд қарорининг адолатли ва асосли ҳамда қонуний қабул қилиниши юзасидан ўз муносабатини билдиради; тўртинчидан – процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилади; бешинчидан – ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади; олтинчидан – даъво аризада, қарши даъво аризада, қўшимча даъво аризаларда келтирилган важлар ўз тасдиғини топмаса, даъвони қувватлайди, рад қилишни сўрайди, иш юритишдан тугатишни сўрайди ёки кўрмасдан қолдиришни сўрайди; еттинчидан – жиноятчиликка қарши курашади.

8. Фуқаролик судларида жамият ва давлат манфаатларига дахлдор ишлар кўрилишида ишнинг қандай инстанцияда, биринчи инстанция, апелляция ва юқори инстанцияларда кўрилишидан қатъий назар ишда прокурор ваколатини таъминлайдиган прокурорнинг фарқли жиҳатлари бўлса-да, бироқ уларнинг мақсади қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган.

9. Қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори инстанция суди муҳокамасида текширишда прокурорнинг вазифаси қуйи судлар йўл қўйган қонунбузилишларни бартараф этилишини таъминлаш, фуқаролик процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, шунингдек, судга қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилинишида кўмаклашишдан иборат.

## **II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

10. Прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлар кўрилишида асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда

конунийликни мустаҳкамлаш, конун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ФПКнинг 50-моддасини қуйидаги тартибда баён қилиш таклиф этилган:

**“50-модда. Ишда прокурорнинг иштироки**

Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризаси билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас.

Прокурор давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин”.

11. ФПК 383-модданинг иккинчи қисми “прокурорнинг иштирокида кўрилган иш бўйича” деган сўзлардан кейин “ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилди.

12. ФПК 387-моддасининг тўртинчи қисми “муурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади” деган сўзлардан кейин “бундан қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар мустасно” деган сўзлар билан тўлдириш асослантирилди.

13. ФПК 406-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилди:

“кассация протести протест келтирган прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган бўлиши керак”.

14. ФПК 407-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилди:

“Прокурорнинг иштирокисиз кўрилган иш бўйича кассация протестига ушбу Кодекс 403-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мазкур протестни келтиришга асос бўлиб хизмат қилган муурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади, бундан қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар мустасно”.

15. ФПК 407<sup>1</sup>-моддасига “прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича” деган сўзлардан кейин “ёхуд қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бўйича” деган сўзлар билан тўлдириш баён қилинди.

16. ФПК 419<sup>4</sup>-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига “прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича” деган сўзлардан кейин “ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича” деган сўзлар билан;

Ушбу модданинг иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига “прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича” деган сўзлардан кейин “ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича” деган сўзлар билан;

учинчи қисмининг учинчи хатбошиси “прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича” деган сўзлардан кейин “ёки қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган иш бўйича” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилган.

17. ФПК 419<sup>8</sup>-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилди: “Прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича тафтиш тартибидagi протестга ушбу Кодекс 419<sup>4</sup>-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидa кўрсатилган шахсларнинг протест келтиришга асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади, бундан қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар мустасно”.

18. ФПК 419<sup>14</sup>-модданинг иккинчи қисмини “прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича” деган сўзлардан кейин “ёхуд қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бўйича” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилган.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 33-34-моддаларига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилди:

33-модданинг биринчи қисмидаги “Фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари” деган сўзлардан кейин “шунингдек жамият ва давлат манфаатларини” деган сўзлар билан;

34-моддасининг биринчи қисмидаги “қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор” деган сўзлардан кейин “ўз ваколатлари доирасида” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилади.

34-моддасининг иккинчи қисм қуйидаги тўлдириш таклиф этилади:

“Бунда прокурор фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича қонунда кўрсатилган шахсларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда ёки прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича ёхуд қонунда прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган бўлиб, бироқ у суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмасдан кўрилган ишлар бўйича ишларни суддан талаб қилиб олишга ҳақли”.

### **III. Фуқаролик процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки амалиётини ривожлантириш бўйича таклифлар:**

20. “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш юзасидан прокуратура органлари ходимлари томонидан юритиладиган иш ҳужжатлари намуналари” ишлаб чиқилди.

21. Прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлар кўрилишида асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида ФПКнинг 50-моддасига кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан фуқаролик ишлари бўйича судларда ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатларида қонунда прокурор иштирок этиши белгиланган ишлар тоифасини аниқ белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида “Кўшма кўрсатма” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унда фуқаролик ишлари бўйича судларда ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатларида – қонунда прокурор иштирок этиши белгиланган ишлар тоифаси рўйхати илова сифатида тайёрланди.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаш ҳамда ўзбошимчалик билан кўрилган қурилмаларни бузиш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўрилишига оид суд амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қабул қилиниши ҳақида хулоса қилинди.

23. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда етказилган зарарларни ундиришни ташкил этиш тартибини белгилаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини ишлаб чиқиш таклифи асослантирилди.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.12.1996 йилда қабул қилинган “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 36-сонли қарори бугунги суд ислоҳотлари тўлиқ жавоб бермаслиги, зарар миқдорини камайтириш билан боғлиқ масалалар айнан қайси судларга тааллуқлилиги кўрсатилмаганлиги тўғрисида хулосага келиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўрилишига оид суд амалиёти тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқиш таклифи берилди.

25. Реабилитация этилган шахсларга маънавий зарарларни ундиришда ягона суд амалиёти мавжуд эмаслиги, маънавий зарарни баҳолашнинг қатъий мезонлари белгиланмаганлиги ҳақида хулосага келиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Реабилитация этилган шахсларга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

26. Амалий тажриба, билим ва кўникмага эга бўлган суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорлар реестрини юритиш кераклиги ҳақида хулосалар асослантилди.

27. Соҳавий йўналишда прокурор функциясини сифатли таъминлаш учун ходимда прокуратура органларида камида уч йиллик иш тажрибаси, зарур назарий билим ва кўникма, қатъиятлик ва инсонийлик хислатлари, шунингдек нотиклик маҳорати бўлиши лозимлиги таклиф этилди. Прокуратура органлари иш ўрганувчи ходимларини суд муҳокамасида 6 ой давомида тажрибали ва билимли ходим билан устоз-шогирд анъанаси асосида иштирок этиши зарурлиги ҳақида хулосага келинди.

28. Суд амалиёт таҳлиллари натижасида фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси механизмини такомиллаштириш, ходимлар штат бирлигини кўпайтириш, шу билан бирга, биринчи инстанция судларда иштирок этадиган прокурорлар кўнимсизлигини олдини олиш мақсадида уларни юқори турувчи соҳавий ўринбосар, бўлим бошлиғининг розилиги билан бошқа йўналишга ўтказиш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

29. Жамият ва давлат манфаатларига дахлдор бўлган, мураккаб ва кенг ҳажмли фуқаролик ишларининг туман (шаҳар) судларида кўрилиши жараёнида вилоят ва унга тенглаштирилган ёки юқори турувчи соҳавий йўналиш бўйича бўлим ва бошқарма прокурорлари томонидан прокурор иштирокини таъминлаш амалиётини жорий қилиш лозимлиги асослантилди.

30. Прокурор функциясини сифатли таъминланишини, асослантилган ва қонуний фикр билдириши учун соҳавий йўналиш ходимларига суд муҳокамасида фойдаланишга планшет билан таъминлаш, унда “lex.uz” электрон ҳуқуқий базаси, прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар юзасидан судда процессида ва фуқаролик ишини ўрганишда кўрсатмалар акс эттирилиши ҳақида хулосалар асослаб берилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ  
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**УМАРОВА БАРНО АКБУТАЕВНА**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ  
ПРОКУРОРА В ДЕЛАХ ЗАТРАГИВАЮЩИХ ИНТЕРЕСЫ  
ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ**

12.00.04 – Гражданское процессуальное право. Экономическое процессуальное право.  
Третейский процесс и медиация

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)

**Ташкент – 2025**

**Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2024.1.DSc/Yu288.**

Диссертация выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) и Информационно-образовательном Портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Мамасиддиков Музаффаржан Мусажанович</b> доктор юридических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич</b> доктор юридических наук, профессор <b>Рахимов Фахри Хайдарович</b> доктор юридических наук, профессор <b>Рахимов Дониёр Бахтиёрвич</b> доктор юридических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Академия правосудия Республики Узбекистан</b>

Защита диссертации состоится 19 декабря 2025 года в 15:00 на заседании разового Научного совета DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан. (Адрес: 100190, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 76). (Адрес: 100190, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: +99871-202-04-96, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Автореферат диссертации разослан 05 декабря 2025 года.  
(протокол реестра № 40 от 05 декабря 2025 года).

**М.А.Аминжонова**

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

**Ф.Х.Рахимов**

Председатель разового Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

## Введение (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире повышение эффективности деятельности правоохранительных органов, в том числе прокуратуры, является одной из самых актуальных задач, стоящих перед развивающимися государствами. Важное значение имеет уровень соблюдения принципа верховенства закона с точки зрения рядовых граждан и место страны в международных рейтингах по показателям обеспечения верховенства права в обществе и государстве. Согласно индексу World Justice Project, Узбекистан занимал 92-е место в 2020 году, а в 2024 году поднялся на 83-е место. По показателю разрешения споров через систему гражданского правосудия страна была на 72-м месте<sup>1</sup> в 2020 году и поднялась на 70-е место<sup>2</sup> в 2024 году. Следовательно, роль и значение прокуратуры как правоохранительного органа, реформирование и цифровизация отрасли исходя из требований международных стандартов, изучение международного опыта требуют дальнейшего совершенствования анализа проблем, связанных с защитой прав и свобод граждан, охраняемых законом интересов общества и государства посредством участия прокурора в гражданском судопроизводстве.

Тенденции развития процессуального законодательства во многих странах мира показывают, что участие прокурора в ведении судебных дел развивается по разным направлениям. Актуальными являются: методическое и практическое обеспечение данного направления, усиление организационно-управленческой деятельности в его анализе, внесение ясности в процессуальный статус, функции и задачи прокурора в судебном разбирательстве и изучение процессуально-функциональных аспектов их полного и качественного осуществления, четкое определение пределов участия прокурора в рассмотрении гражданско-правовых споров, совершенствование на этой основе соответствующего механизма, субъективно-психологическое развитие, направленное на повышение знаний и квалификации работников, участвующих в судебном заседании, а также нахождение научного решения проблем, связанных с защитой прокурором охраняемых законом интересов общества и государства в суде.

В нашей Республике последовательно реализуются масштабные программные меры по обеспечению верховенства закона, реформированию судебно-правовой системы и обеспечению участия прокурора в делах, затрагивающих интересы общества и государства, в гражданском судопроизводстве. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы предусмотрены такие важные задачи, как создание прочной правовой основы для деятельности открытой и справедливой прокуратуры, строго обеспечивающей законность, превращение принципа «Закон — превыше всего, наказание — неизбежно» в основной критерий, обеспечение прозрачности деятельности органов прокуратуры и их подотчётности

---

<sup>1</sup> [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

<sup>2</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/downloads/WJPIndex2024.pdf>

обществу. Поскольку прокурор выступает в гражданских судах в качестве государственного представителя, обеспечивающего верховенство закона при рассмотрении дел, затрагивающих интересы общества и государства, возникает необходимость глубоко проанализировать нормы законодательства, регулирующие эту деятельность, а также правоприменительную практику с точки зрения организационно-управленческих, процессуально-функциональных и субъективно-психологических проблем, и по результатам анализа усовершенствовать теоретические, практические, процессуальные и организационные аспекты.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации Конституции Республики Узбекистан (2023), законов "О прокуратуре" (2001), Гражданского процессуального кодекса (2018), "О судах" (2021), указов Президента Республики Узбекистан "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы" (2022), "О дополнительных мерах эффективной организации деятельности по отправлению правосудия" (2023), "О дополнительных мерах по дальнейшему расширению доступа к правосудию и повышению эффективности деятельности судов" (2024), "О дополнительных мерах по повышению уровня доступа к правосудию путём внедрения технологий искусственного интеллекта в деятельность судов, а также улучшению материально-технического обеспечения судебной системы" (2025) и других законодательных актов в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики "Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства".

